

---

## **“Ташаббусли бюджет”: 4-умумтаълим мактаби учун 120 ўринли қўшимча ўқув биноси қурилмоқда**

Президентимиз ташаббуси билан йўлга кўйилган “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси молиявий имкониятларни энг муҳим масалаларга жалб этиш, бюджет сарфи жараёнининг шаффоф ва очиқлигини таъминлаш, қолаверса, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, фуқароларнинг жамият ҳаётида фаол иштироки ва дахлдорлик ҳиссини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Учкўприк туманида “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2024 йил 2-мавсумида “Султон”, “Чорбоғ”, “Бешкапа”, “Катта кенагас”, “Кичик кенагас”, “Машад”, “Бешкапа”, “Учкўприк”, “Катта қўштепа”, “Янгиобод” ва “Собиржон” маҳалла фуқаролар йиғинларидан билдирилган ички йўлларни асфальтлаш, электр таъминотини яхшилаш, умумтаълим мактабларини таъмирлаш билан боғлиқ 10 та ташаббус ғолиб деб топилиб, уларни амалга ошириш учун 13 миллиард 221 миллион сўм маблағ ажратилган.

Айни кунларда лойиҳа доирасида таклифлари ғолиб деб топилган 3 та умумтаълим мактабида ҳам таъмирлаш, жиҳозлаш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилмоқда.

“Чорбоғ” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 4-умумтаълим мактаби биносини таъмирлаш бўйича билдирилган ташаббус ҳам 5 минг 52 та овоз тўплади. Мазкур ташаббусни амалга ошириш учун 1 миллиард 360 миллион сўм маблағ ажратилди.

Лойиҳа доирасида таълим муассасасининг эскирган эшик ва деразалари янгиларига алмаштирилиб, ўқув бинолари жорий таъмирланмоқда. Шунингдек, мактаб учун 120 ўринли қўшимча ўқув биноси қуриш ишлари давом этмоқда.

2025-01-28 10:53:17